

Innovative Approaches To The Study Of The Teachings Of Eastern Thinkers: Foreign Experience And National Opportunities

Mukhitdinova Fiyuza Abdurashidovna — Professor, Doctor of Legal Sciences, Department of State and Law Theory, Tashkent State Law University.
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

Abstract. This article analyzes the legal doctrines of Eastern thinkers from a jurisprudential perspective. Based on foreign experience in Islamic law research, it offers innovative approaches for integrating the ideas of al-Farabi, Ibn Sina, al-Biruni, and others into contemporary legal scholarship.

Keywords: Eastern thinkers, jurisprudence, legal doctrines, scientific analysis, foreign experience, innovative approach, Al-Marghinani, Ibn Khaldun, Nizam al-Mulk, Alisher Navoi.

Шарқ Мутафаккирлари Таълимотларини Ўрганишда Инновацион Ёндашувлар: Хорижий Тажриба Ва Миллий Имкониятлар

ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори,
Мухитдинова Фируза Абдурашидовна.

Аннотация

Ўзбекча: Ушбу мақолада шарқ мутафаккирларининг ҳуқуқий таълимотлари юриспруденция нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, уларни замонавий илмий тадқиқотларга интеграция қилиш масалалари кўриб чиқилади. Хорижий илмий муассасалардаги тажриба, таҳлил услублари ва мултидисциплинар ёндашувлар асосида миллий тадқиқот тизимида инновацион ёндашувлар тақлиф этилган.

Аннотация: В данной статье проанализированы правовые учения восточных мыслителей с точки зрения юриспруденции. Освещён международный опыт в области исследования классического исламского права и предложены инновационные подходы по интеграции учений Аль-Фараби, Ибн Сино, Беруни и других в современную юридическую науку.

Abs

Калит сўзлар: шарқ мутафаккирлари, юриспруденция, ҳуқуқий таълимот, илмий таҳлил, хорижий тажриба, инновацион ёндашув, Марғиноний, Ибн Халдун, Низомулмулк, Навоий.

Ключевые слова: восточные мыслители, юриспруденция, правовые учения, научный анализ, зарубежный опыт, инновационный подход, Маргинани, Ибн Халдун, Низам аль-Мульк, Алишер Навои.

Кириш

Бугунги кунда юриспруденция соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришда илдизларга мурожаат қилиш, хусусан, Шарқ мутафаккирларининг ҳуқуқий меросини қайта баҳолаш орқали инновацион натижаларга эришиш имкони пайдо бўлмоқда. Афсуски, бугунги ёш тадқиқотчилар томонидан ушбу мавзуларга бўлган илмий қизиқиш анча пасайган. Бунинг сабабларидан бири — таҳлилнинг классик юридик услублар билан эмас, балки фақат тарихий нуқтаи назардан юритилиши бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқотларда шарқ мутафаккирлари меросининг ўрни

Шарқ мутафаккирлари — Форобий, Беруний, Ибн Сино, Низомулмулк, Ибн Халдун, Навоий, Марғиноний каби сиймолар ўз асарларида фақат фалсафа ёки тарих эмас, балки давлат бошқаруви, адолат, ҳуқуқ ва қонунчилик тузилмаси каби масалаларга ҳам аниқ ҳуқуқий ёндашувлар билдирганлар. Хусусан:

- Форобий «Фозил шаҳар аҳллари» асарида идеал давлат ва унинг ҳуқуқий тартиби ҳақида;

- Марғинович «Ал-Ҳидоя» асарида ислом ҳуқуқининг фикҳий жиҳатларини тиниқ услубда баён қилган;
- Низомулмулк «Сиёсатнома» асари орқали давлат раҳбарларининг одоб ва масъулиятини ҳуқуқий нуқтаи назардан белгилаган;
- Ибн Халдун тарихий жараёнларни ҳуқуқий ва ижтимоий қонунлар асосида тушунтиришга уриниб, социология-ҳуқуқ соҳасида пойдевор қўйган.

Халқаро амалиётда шарқ ҳуқуқий меросини ўрганиш борасида қуйидаги устувор ёндашувлар қайд этилади:

- Германия ва Франция университетларида шарқ ҳуқуқи алоҳида юридик тадқиқот йўналиши сифатида ўқитилади (Ибн Халдун, Авиценна ҳуқуқи).
- Ислом ҳуқуқи марказлари (University of Oxford, Leiden University) Марғинович ва ал-Мавардий каби мутафаккирларнинг асарларини таржимонлар ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда қайта таҳлил қилади.
- Туркия ва Мисрда ислом ҳуқуқи ва тарихий ҳуқуқ мактабларини юридик фан сифатида тадқиқ этиш амалиётида унинг фақат диний эмас, ҳуқуқий тушунчаси устувор ҳисобланади.

Сўнги йилларда Халқаро Ислом Академияси, ТДЮУ, Имом Бухорий халқаро илмий марказида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан: Абдор Қутпилла ўғли Убайдуллаевнинг “Ислом ҳуқуқида молия институтининг шаклланиши ва ривожланиши: тарихий-ҳуқуқий тадқиқот” мавзусидаги илмий иши Ислом ҳуқуқининг XIX–XX асрлардаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар таъсирида қандай ривожланганини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда Ислом молиявий ҳуқуқи соҳасидаги институтлар — беғараз мулк, закот, вақф, молиявий кафолат ва савдо ҳуқуқи каби йўналишлар тарихий жараёнлар таъсирида қандай ўзгаргани таҳлил этилган. XIX аср охири ва XX аср бошларида рўй берган мустамлакачилик, миллий-озодлик ҳаракатлари ва диний қайта уйғониш жараёнлари молиявий институтлар фаолиятига қандай таъсир қилгани очиқ берилган. Муаллиф шарқ мутафаккирлари, ислом ҳуқуқшунослари ва муосир тадқиқотчиларнинг ишларига таянган ҳолда, Ислом молиявий ҳуқуқидаги нормаларнинг қайта шаклланишини таҳлил қилган. Жумладан, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”си, Имом Марғиновичнинг “Ал-Ҳидоя”си, Форобий ва Ибн Халдуннинг ижтимоий-иқтисодий назариялари ҳуқуқий тушунчалар билан боғланган ҳолда кўриб чиқилган. Бу илмий иш ҳуқуқшунослар, тарихчилар ва исломшунослик билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим манба бўлиб, шунингдек, Ўзбекистонда исломий молия ва иқтисод соҳасида замонавий ислохотларни амалга оширишда назарий асос бўла олади.

Мана шу каби мавзуларни илмий муомалаг киритаётган ёш иқтидорли тадқиқотчиларимиз учун яна кенгроқ имкониятлар яратиш лозим. Ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олаётган талабаларга Ислом молиявий ҳуқуқи йўналишида махсус ўқув курсларини жорий этиш; “Ал-Ҳидоя”, “Сиёсатнома”, “Муқаддима” каби асарлар асосида молиявий ҳуқуқ таълим методларини ривожлантиришда фойдаланиш керак.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” бўйича ёзилаётган ишлар сони кўпайса-да, айнан давлатчилик тарихи ва ҳуқуқий мерос – айниқса, Шарқ мутафаккирлари таълимотлари – етарлича илмий таҳлил қилинмаяпти. Бу ерда бир неча муаммо ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар мавжуд:

Муаммонинг илдизи нимада?

- 1. Илмий-тадқиқотларнинг назарийлашуви ва реал амалиётдан узилиши**
Кўпчилик ёш тадқиқотчилар назарий йўналишларни афзал кўради, чунки улар замонавий илмий талабларга тезроқ мос тушади. Аммо амалий ва тарихий таҳлиллар учун чуқур манбауий таҳқиқ, тил билимлари ва интердисциплинар ёндашув талаб этилади.
- 2. Шарқ мутафаккирлари меросига фақат тарихий ёки фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш**
Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Ибн Халдун, Низомулмулк, Марғинович каби алломаларнинг қарашлари жуда бой. Аммо уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари аксар ҳолларда фақат “маданий мерос” сифатида ўрганилади, юриспруденция нуқтаи назаридан эмас.
- 3. Шарқ ҳуқуқий меросининг замонавий ҳуқуқ тизимига интеграцияси бўйича етарли илмий-методик асос йўқ**

Масалан, Марғинонийнинг “Ҳидоя”си ёки “Дастур ул-мулк” асари нафақат фикр, балки сиёсат ва бошқарув тизимини шакллантирувчи қонунчилик тажрибаси сифатида таҳлил этилиши мумкин. Хўш, энди бу мавзуларни тадқиқот сифатида ўрганмай қўйиш тўғрими? **Нима қилиш керак?**

Менимча, мазкур мавзулар ҳозирги кунда ҳам долзарб, уларни юриспруденция нуқтаи назаридан таҳлилга ўтиш вақти келди. Ҳар бир асарни “қонун манбаи” сифатида кўриб чиқиш керак. Масалан, Ибн Халдуннинг “Муқаддима”си – давлат барқарорлигининг ҳуқуқий омиллари, иқтисодий бошқарувнинг конституциявий жиҳатлари ҳақида маълумотлар беради. Илмий ишларда муайян ҳуқуқ соҳаси (мулк ҳуқуқи, молия, бошқарув, суд тизими ва ҳ.к.) нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур.

Иккинчидан, Шарқ ҳуқуқий меросини ҳуқуқий фанларга интеграция қилиш даври ҳам келди. Шу боис, юридик олийгоҳларда махсус фанлар (масалан, “Шарқ ҳуқуқий мероси”) ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Давлат фуқаролик хизматини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш, давлат хизматчилари ишини натижадорликка йўналтириш, аҳолининг давлат хизматига бўлган ишончини янада ошириш, соҳага истиқболли кадрларни жалб қилиш ва уларни профессионал мутахассис этиб тайёрлашнинг самарали тизимини жорий қилиш, шунингдек, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2025 йил 19 июнда қабул қилинган Фармонда давлат фуқаролик хизматида самарадорлик, натижадорлик, очиқлик ва шаффофлик талаблари янада мустаҳкамланди. Бу билан масъулият ва жавобгарликнинг ҳуқуқий асоси янада бойитилди.

Президентимиз раҳнамолигида давлат бошқарувида шаффофлик, фуқаролар олдида ҳисобдорлик, кадрларнинг касбий масъулияти ва тарбиявий вазифалари кун тартибида устувор аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, Ахлоқ кодекси, баҳолаш мезонлари, аттестация жараёнлари орқали ҳар бир хизматчи зиммасидаги масъулиятни ҳис этади. Эътиборли жиҳати мазкур талаблар ва масъулият шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Беруний ва Ибн Сино, Низомулмулк қарашларида ҳам илгари сурилган. Жумладан, Абу наср Форобий ўз таълимотида жамият мукамал бўлиши учун уни бошқараётган ҳокимлар ва фуқаролар юқори маънавий камолотга эга бўлиши, ўз бурчини масъулият билан адо этиши шартлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, фозил инсон — масъулиятли инсондир. Форобийнинг таъкидлашича, фозил инсон — бу ақл ва маърифат асосида иш юритувчи, нафақат шахсий манфаатлар, балки умумий яхшилик йўлида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Унингча, ҳақиқий етакчи (фозил подшоҳ) нафақат қонунлар ижросини таъминловчи, балки ўзи намуна кўрсатувчи, жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражасини оширувчи шахс бўлиши керак. Бу эса ҳақиқий жавобгарлик маданиятини англатади.

Фозил шаҳар — жавобгарлик маданияти ҳукмрон бўлган адолатли жамиятдир, деган ғояни илгари сурган, шу боис ҳам, Форобийнинг фозил шаҳрида фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, бурчни адо этиш, ҳамжиҳатлик, адолат ва ахлоқий масъулият ҳукмрон. Бундай жамиятда: ҳар бир шахс ўз вазифасини англайди. Иккинчидан, энг катта қадрият — илм, адолат ва ахлоқ. Учинчидан, ҳар бир раҳбар — билимдон ва одил, оқил ва доно. Ҳар бир фуқаро — жавобгар, содиқ ва фаол бўлишини таъкидлаган эдики, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат хизматчилари маданиятини ошириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширишда, айнан мазкур ғоялар ўта муҳим ва аҳамиятлидир. Бу жараёнда Форобий таълимоти ҳануз замонавий аҳамиятга эга. Форобийдаги “фозил раҳбар — халққа хизмат қилувчи ва намуна бўлувчи зот” деган ғоя бугунги кун талабларига мос келади. Хизмат вазифасини виждонан бажариш, коррупциядан йироқ туриш, ҳисобдорлик ва очиқлик тамойилларига риоя қилиш — барчаси жавобгарлик маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Бу ҳақда юнон олими Афлотун шундай деган: “*Фақат ахлоқий мустаҳкам шахсларгина адолатли давлатни барпо қила олади.*” Бу фикр бугунги давлат хизматчилари учун ҳам долзарбдир.

Иккинчидан, илмий журналларда доимий рубрикалар очиш лозим, мазкур олимлар қолдирган таълимотларни кенг жамоатчиликка етказиш керак. Учинчидан, ҳуқуқий таълимотлар тарихи, ислом ҳуқуқи, тарихий давлатчилик тизими бўйича PhD дастурларини кенгайтириш керак деган таклифдаман. Ҳатто ҳуқуқий-компаратив тадқиқотлар ўтказиш керак, масалан, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асаридаги давлат хизмати, молия назорати, одил бошқарув тизимини Европа

конституционализм амалиёти билан таққослаш мумкин. Шунингдек, Халқаро Ислом академиясидаги ташаббусларни кенгайтириш, хорижий исломшунослар билан ҳамкорликда муҳокамалар ўтказиш мумкин. Энг асосийси, ёш тадқиқотчилар учун грант ва танловлар йўлга қўйиш керак. Масалан, “Навоий ва ҳуқуқ адолати”, “Марғинонийнинг ҳуқуқий методологияси” каби мавзуларда махсус давлат грантлари ташкил этиш мумкин. Навоий ва ҳуқуқ адолати”, “Марғинонийнинг ҳуқуқий методологияси” каби мавзулар юзасидан махсус давлат грантларини ташкил этиш нафақат тарихий меросни тиклаш, балки замонавий ҳуқуқий ислохотлар ва миллий ҳуқуқшунослик мактабини ривожлантириш учун ҳам муҳим. Алишер Навоий фақат шеърят эмас, балки адолат, давлат бошқаруви, инсон шаъни, раҳбар масъулияти ҳақида ҳам фикр юритган. Унинг “Меҳр ва адолат” ғоялари бугунги инсон ҳуқуқлари тушунчасига яқин. Бурҳонуддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асари ислом ҳуқуқшунослигида мантиқий таҳлил ва ҳуқуқий аргументация намунаси. Унинг методологияси замонавий ҳуқуқ таълимотида катта аҳамиятга эга.

Бу илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш, унинг замонавий ҳуқуқ тизимидаги аксини ўрганиш, ҳуқуқшунослик фанини миллий асосда бойитишга хизмат қилади. Глобаллашув шароитида ўз миллий ҳуқуқ мактабига эга бўлиш — мустақил давлатнинг ҳуқуқий суверенитетини белгилайди. Бу эса, миллий ҳуқуқшунослик мактабини шакллантиришда муҳимдир. Навоий ва Марғиноний каби мутафаккирларнинг қарашларини тизимли равишда ўрганиш ва улардан хулосалар чиқариш замонавий миллий ҳуқуқ моделини яратишга илмий асос бўлади. 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадрлари, адолат ва ижтимоий давлат ғоялари алоҳида ўрин олди. Навоийнинг “адолат подшоҳни юксалтирур” деган фикри билан идеал уйғунликда илмий муомалага киради. Ислом ҳуқуқи методологияси, хусусан Марғинонийнинг усуллари, ҳуқуқий ҳалоллик, бир хил қарор қабул қилиш, ва ислом ҳуқуқининг ички логикасини англашга ёрдам беради. Эътиборли жиҳати, ёш ҳуқуқшунослар учун мотивация ва илмий фаолликни оширишга хизмат қилади. Бу каби мавзуларда грантлар эълон қилиниши ёш тадқиқотчилар, аспирантлар ва PhD изланувчиларини тарихий-ҳуқуқий тадқиқотларга жалб қилади. Миллий илмий мерос билан боғлиқ мавзуларда тадқиқотлар кўпайса, илмга бўлган қизиқиш ҳам ошади.

Бугунги кунда давлат адолатли ва халқпарвар ҳуқуқ тизимини қурмоқда. Бу жараёнда тарихий-ҳуқуқий манбаларга суянган ҳолда ижтимоий адолатнинг миллий моделини шакллантириш зарур. Бу илмий изланишлар фақат академик эмас, амалий сиёсий-ҳуқуқий қарорлар учун ҳам методологик асос бўлиши мумкин.

Ушбу мавзуларда махсус давлат грантлари ташкил этиш авалло, илмий меросни тиклашимизда, ҳуқуқий ислохотларга миллий руҳ бағишлашда, инсон ҳуқуқларини миллий анъаналар асосида талқин қилиш ҳамда ҳуқуқшунослар орасида илмий рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлишига ишонман. Юқоридагилар асосида инновацион ечимлар ва таклифларни илгари сураман. Биринчидан, юриспруденцияда шарқ ҳуқуқий таълимотларини алоҳида модул сифатида жорий этиш (Шарқ ҳуқуқий мероси).

Иккинчидан, таржималар ва ҳуқуқий таҳлил ишларини замонавий ҳуқуқий тилда қайта ишлаш.

Учинчидан, тадқиқотчилар учун илмий грантлар ва стипендиялар жорий этиш (Қозоғистон, Малайзия, Туркия тажрибаси).

Тўртинчидан, Халқаро илмий журналларда махсус мавзули сонлар ташкил этиш (Eastern Legal Thought, Comparative Jurisprudence). таклифларини илгари сураман.

Хулоса

Шарқ мутафаккирларининг ҳуқуқий меросини фақат тарихий ёдгорлик сифатида эмас, балки амалий ва назарий ҳуқуқий манба сифатида илмий муомалага киритиш замонавий тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бўлиши керак. Бу нафақат миллий ҳуқуқшуносликнинг бойиши, балки унинг халқаро ҳуқуқий майдондаги нуфузини ҳам оширади. Бугунги ёш тадқиқотчиларимиз учун тарихий-ҳуқуқий мерос – фақат илмий қизиқиш эмас, балки миллий ҳуқуқий ўзлигимизни англашнинг асосий йўли. Уларнинг илмий изланишларини юриспруденция нуктаи назаридан чуқурлаштириш учун, таълим, тадқиқот ва илмий муҳитда тизимли ўзгаришлар талаб қилинади.

Адабиётлар рўйхати

1. Аль-Фараби. Трактаты. – Алматы: Ғылым, 1993.

-
2. Абу Наср ал-Фаробий. Фозил одамлар шаҳри / Таржимон: А. Қаюмов. – Тошкент: “Маънавият”, 1993.
 3. Марғинович Бурхонуддин. Ал-Ҳидоя. – Қоҳира нашри, 1895.
 4. Бурхонуддин Марғинович. Ал-Ҳидоя. – Тошкент: Адолат, 1997; “Шарқ
 5. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Техрон, 1980.
 6. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991; “Адабиёт”, 2010.
 7. Ibn Khaldun. *Muqaddimah*. Translated by Franz Rosenthal. – Princeton University Press, 2005.
 8. Аббор Қ.Ў. Ислом ҳуқуқида молия институтининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, 2023.
 9. Normurodov S. *Public Administration in Islamic Thought*. – Tashkent, 2022.
 10. Zubaida, S. *Law and Power in the Islamic World*. – I.B.Tauris, 2003.
 11. Hallaq, W. *The Origins and Evolution of Islamic Law*. – Cambridge University Press, 2005.